

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 338.43 (575.1)

БЕРДИЕВ ҒАЙРАТ ИБРАГИМОВИЧ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Гулистон – 2020

УДК: 338.43 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Бердиев Гайрат Ибрагимович

Миллий иқтисодиётда уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини оширишнинг
назарий асосларини такомиллаштириш3

Бердиев Гайрат Ибрагимович

Совершенствование теоретических основ повышения экономической
активности домашних хозяйств в национальной экономике

Berdiyev Gayrat Ibragimovich

Improvement of theoretical bases of increasing the economic activity of
households in the national economy.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.43 (575.1)

БЕРДИЕВ ҒАЙРАТ ИБРАГИМОВИЧ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Гулистон – 2020

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt364 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон Давлат Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳасанов Рустам Раббимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулова Дилфуза Валиевна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Кабиллов Шариф Рахимович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.01.11 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, 246-02-24 факс:(99871) 246-90-80, e-mail: rektor@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, 246-02-24 факс:(99871) 246-90-80, e-mail: rektor@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил “_____” _____куни тарқатилди.
(2020 йил “_____” _____даги _____рақамли реестр баённомаси)

Ш.Г. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Қ. Мамбетжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори

А.В. Вахабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энг кўп оммалашган иқтисодий субъект сифатида уй хўжаликлари секторининг аксарият қисми глобаллашув жараёнларининг салбий таъсири натижасида оғир аҳволда ҳаёт кечирмоқда. Айнан ушбу хўжаликларни молиявий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва тўла бандлигини таъминлаш орқали иқтисодий фаоллигини ошириш жаҳон ва айниқса, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ривожланишида муҳим ўрин тутади. Жаҳон банки тадқиқотларига кўра, уй хўжаликларида жамғариш меъёрининг маълум даражага ўсиши, иқтисодиётга жалб этилган хорижий инвестицияларни бир неча бор ўсишига нисбатан юқори самара беради. Жаҳон банки дунёнинг 174 та ривожланаётган давлатларида UNDP (United Nations Development Programme) дастури орқали ушбу вазифаларни ҳал этиш учун ҳар йили 5-6 млрд. АҚШ доллари миқёсида инвестиция йўналтирмоқда¹. Шунинг учун ҳам бугунги кунда жаҳон банки иқтисодий сиёсатида энг устувор вазифалардан бири бўлиб, уй хўжаликларини қашшоқлик ҳолатидан чиқариш, иқтисодиётда тўла инклюзив бандликни таъминлаш ҳамда уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга йўналтирилган имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида Covid-19 пандемияси таъсири доирасида бозор типигаги хўжалик субъектларини шакллантиришга қаратилган ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш ва унга мос хўжалик механизмларини қайта ташкил этиш борасида чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Бугунги кунда дунёда инқирозли вазиятларда уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни камбағалликдан чиқариш, уй хўжаликлари аъзоларининг самарали меҳнатда бандлигини таъминлаш орқали миллий хўжаликларнинг барқарор ривожланишига эришишга бағишланган мақсадли илмий изланишлар янада жадаллашмоқда. Бунда уй хўжалиги аъзоларининг ўзини ўзи банд қилиши, уларнинг иқтисодий хулқ-атворини вазиятга мослаштириш орқали иқтисодий фаолликни оширишга қаратилган илмий изланишлар долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда уй хўжаликлари сектори мустақил иқтисодий субъект сифатида меҳнат ресурсларини тақрор ишлаб чиқариш, инсон капиталига сармоя киритиш ва иқтисодиётнинг реал секторини инвестициялашда муҳим омиллардан бири бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Бироқ, "...ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.² Шу сабабли, республикада камбағалликни камайтиришда ўзини ўзи банд қилувчи фаолият турлари сони 24 тадан 67 тага кўпайтирилди ҳамда бир қатор қулайлик ва имтиёзлар

¹ <http://www.worldbank.org/en/research>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси - Тошкент. // Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.

берилиди.³ Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда мамлакатимизда уй хўжаликлари аъзоларининг ўзини-ўзи банд қилишни таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ўзгариб бораётган шарт-шароитларга мослашиш ва иқтисодий фаоллигини ошириш муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни янада жадаллаштиришни долзарб муаммолардан бирига айлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 16 апрелда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон “Ҳар бир оила-тадбиркор тўғрисида”ги, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уй хўжалиқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида хорижлик иқтисодчи олимлардан Беккер Г., Гэлбрейт Дж., Грамков Х., Кейнс Дж.М., Норт Д., Макконел К.Р., Брю С., Рикардо Д., Смит А. ва бошқалар⁴нинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган.

Уй хўжалиқларининг иқтисодий фаоллигини ошириш муаммолари МДҲ олимлари Ачаповская М., Батракова А.Г., Довбенко М.В., Осик Ю.И.,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742 сонли қарори

⁴ Беккер Г. «Человеческое поведение: экономический подход» «Москва: ГУ ВШЭ», 2003.-672с.; Гэлбрейт Дж. Новое индустриальное общество. Избранное. М.: Изд-во: «Эксмо».-2008.-608с.; Грамков Х. “Ведение бизнеса”, Обеспечение исполнения контрактов – Узбекистан и 5 стран – лидеров в 2019 г.; Кейнс Дж. М. Общая теория процента и денег.– М., 2009.; North D. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. - Cambridge: Cambridge University Press, 2012.; Макконел К.Р., Брю С.П. Экономикс: Принципы, проблемы и политика // в 2х томах-М.:Инфра-М, 2003.-386с.; Рикардо Д. Начало политической экономии и налогообложения. М.: Эксмо, 2016.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.-М.: Эксмо, 2016.-255с.

Дубровин И.А., Котов В., Новак А.Е., Толкачева С.А. ва бошқаларнинг⁵ илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Абулкасимов Ҳ.П., Ваҳобов А.В., Ахмедов Т.М., Абдуллаев Б.С., Акрамова Ш.Ф., Ахмедов Ф., Ахмедов У.Қ., Бадалов Дж.Ш., Беркинов Б.Б., Ваҳобов А.В., Джураев Т.Т., Салимов Б.Т., Хасанов Р.Р., Шодиева Г.М., Ўлмасов А., Ғойибназаров Б.К., Юлдашев Д.Т. ва бошқаларнинг⁶ илмий изланишларида такрор ишлаб чиқариш жараёнида уй хўжаликлари салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатлари ёритилган.

Бироқ, ҳозирги кунга қадар олиб борилган илмий тадқиқот ишларида такрор ишлаб чиқариш жараёнида уй хўжалиқларининг иқтисодий фаоллигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш, хўжалиқларда даромад ва харажатлар манбаларини диверсификациялаш масалалари ўрганилмаган. Ушбу ҳолатлар илмий иш мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари

⁵ Ачаповская М. Цифровизация экономики как драйвер инновационного развития. // Банкауски вестник, Сакавик. 2019.; Батракова А.Г. Сбережения домашних хозяйств: сущность, группировки и роль в современной экономике // Деньги и кредит.-2006.-№11.; Довбенко М. В., Осик Ю.И. Современные экономические теории в трудах неолитетов. М.: Академия Естествознания. 2011.; Дубровин, И.А. Поведение потребителей. – Электрон. дан. — М.: 2017.; Новак А.Е. Анализ функции потребления домашних хозяйств на основе микро данных. автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. ФГАОУ. // Национальный исследовательский университет. Высшая школа экономики. М.2017 г.; Котов В. Качественнее сдвиги в инструментарии финансирования стратегических важных предприятий Узбекистана. Материалы VIII Форума экономистов Т: ИПТД.2017.; Толкачева С.А. История экономических учений: учебник и практикум для академического бакалавриата / под ред. — М.: Издательство Юрайт, 2015.

⁶ Абулкасимов Ҳ.П. ва бошқ. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. // Монография.-Т.: “Университети”, 2015. ISBN –Б.54.; Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иқтисодиёт ва уни ҳосил бўлиши. –Т.: Молия, 2002.; Ахмедов Т.М., Абдуллаев Б.С. “Социально-демографические особенности устойчивого развития сельских территорий Узбекистана”. Монография. Т.: 2018 г.; Акрамова Ш.Ф. Республикада инсон капитални ривожлантириш жиҳатидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари. «Стратегия действий республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития» Сборник материалов международной научно-практической конференции. 28-29 мая 2018 г.; Ахмедов У. Қ. Қишлоқ жойларда уй хўжалиқларининг ривожланиш истиқболлари. Монография - Т.: “Фан ва Технология”, 2014.-Б.152.; Ахмедов Ф. Бозор муносабатлари шароитида хонадон хўжалигини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: ТМИ, 2011. – Б.27.; Ахмедов У.Қ. Уй хўжалиги тушунчасининг ижтимоий – иқтисодий моҳияти ва унинг оила билан узвий боғлиқлиги // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” 2016. №6.; Бадалов Дж. Ш. Миллий иқтисодиётда уй хўжалиқларининг иқтисодий функциялари. Монография - Т.: “Iqtisodiyot”, 2013.-Б.154.; Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).-Т.: “Фан ва технология”, 2014, Беркинов Б.Б., Ахмедов У.Қ. Уй хўжалиқлари ривожланиши ва оила даромадларини ошириш истиқболлари. Монография. Фан ва технологиялар, – Т., 2013. – 144 б.; Джураев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. -Т. : «Фан ва технологиялар» нашриёти 2017- Б. 685.; Хасанов Р.Р. Бозор даромадлари: моҳияти таркибий тузилиши ва табақаланиши. – Т. Т.М.И. Босмаҳонаси 2004., Салимов Б.Т., ва бошқалар. Деҳқон ва фермер хўжалиқлари иқтисоди. –Т.: Ўзбекистан ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004.; Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.– Самарканд. 2008.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: “Иқтисод- Молия”, 2014. -456 б.; Ғойибназаров Б.К. Ўзбекистонда уй хўжалиқлари даромадлари ва харажатларининг статистик таҳлили.-Т.; “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3. 2018.; Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмининг такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияавтореферати.– Тошкент. 2019.

билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети “Иқтисодиёт” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-0-10360 “Дехқон хўжаликларини инновацион ривожлантириш асосида қишлоқда бандлик муаммосини ҳал этиш” лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

уй хўжаликларининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ва роли тўғрисидаги турли назария ва концепцияларни таҳлил қилиш;

уй хўжаликларининг иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга таъсирини ўрганиш;

республикада уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллик даражаси ва унга таъсир этувчи омилларини таҳлил қилиш;

уй хўжалиги секторини ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш орқали меҳнат бозорида яширин ишсизликни бартараф этиш бўйича кўп каналли модель ишлаб чиқиш;

замонавий рақамли технологияларни жорий қилиш орқали уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;

уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигини кучайтиришда аҳоли даромадларини оширишнинг кўп омилли эконометрик моделини ва шу асосда истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистан Республикаси уй хўжалиги сектори белгиланган.

Тадқиқот предмети бўлиб, мамлакатда уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигини ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётнинг турли субъектлари билан уй хўжаликлари ўртасидаги ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ички (рекреацион, ижтимоий ва патронаж) ва ташқи (ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, истеъмол ва инвестицион) функцияларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини ошириш ва улар фаолиятида трансакцион харажатларни камайтириш мақсадида замонавий рақамли технологияларни жорий этишда маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг скоринг тизимидан фойдаланиш зарурати асосланган;

уй хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашишида энг зарурий агрегатлашган эҳтиёжларни қондириш, иккиламчи бандликни таъминлаш, турли усуллар орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби кўп

каналли модель асосида меҳнат бозоридаги яширин ишсизликни бартараф этиш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигини оширишда аҳолининг ялпи даромадига уларнинг ёлланма меҳнат ва мустақил равишда олган даромадлари таъсирининг 2030 йилгача бўлган кўп вариантли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётнинг энг асосий субъекти сифатида уй хўжаликларининг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ ҳагги-харакатлардаги ўзгаришлар ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятларини очиқ берувчи муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган;

иқтисодиётда уй хўжалиги сектори уларнинг пул маблағлари ҳаракати асосида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиладиган муҳим институт эканлиги амалий жиҳатдан асосланган;

бозор иқтисодиёти шароитида самарали хўжалик юритишнинг қўшимча ресурси сифатида уй хўжаликлари ўртасида ижтимоий муносабат ва тармоқлар орқали яратилган товар ва хизматларни нобозор воситалар асосида айирбошлаш модели таклиф этилган.

уй хўжалиги секторининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларига бизнесни бошлаш субрейтинги ҳамда асосий капиталга киритилган инвестициялар таъсирининг эконометрик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги унда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлиллар ва статистик маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги ва самарадор замонавий эконометрик усулларида фойдаланилганлиги ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил этилганлиги ва тегишли хулоса, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида олинган хулосалардан инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишининг асосий ғоя ва материалларидан уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали ижтимоий такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан ва ёлланиб ишлашдан олинган даромадларини уларнинг ялпи даромадига бўлган таъсирини кучайтиришга қаратилган ҳукумат чора-тадбирлари тизимини, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда олий ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Макроиқтисодиёт”, “Тадбиркорлик асослари”, “Бизнесни режалаштириш”,

“Миллий ҳисоблар тизими” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий иқтисодиётда уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

иқтисодиётнинг турли субъектлари билан уй хўжаликлари ўртасидаги ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ички (рекреацион, ижтимоий ва патронаж) ва ташқи (ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, истеъмол ва инвестицион) функцияларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тизимида (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 9 декабрдаги 6-1/20-70-сон маълумотномаси) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 8-сонли мажлис баёнида кўзда тутилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ховос туманидаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллик даражасини оширишда қўлланилди. Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида туманда уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллиги ошди, улар ихтиёридаги ресурслар унумдорлиги ва тежамкорлигига эришилди, натижада ижтимоий ҳимояга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг аниқ манзилли йўналтирилиши таъминланди;

уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини ошириш ва улар фаолиятида трансакцион харажатларни камайтириш мақсадида замонавий рақамли технологияларни жорий этишда маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг скоринг тизимидан фойдаланиш зарурлиги бўйича берилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тизимида (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 9 декабрдаги 6-1/20-70-сон маълумотномаси) Сирдарё вилоятининг Мирзаобод ва Ховос туманларида тадбиркорликка кўмаклашиш ва банк хизматлари марказлари фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилди. Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 2020-2025 йилларда уй хўжаликларининг рақамли иқтисодиёт секторига фаол интеграциялашувини таъминлашга хизмат қилувчи платформа яратилади, улар фаолиятида турли хил трансакцион харажатларни камайишига ва шу орқали ушбу сектор иқтисодий фаоллигини оширишига эришилади;

уй хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашишида энг зарурий агрегатлашган эҳтиёжларни қондириш, иккиламчи бандликни таъминлаш, турли усуллар орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби кўп каналли модель асосида меҳнат бозоридаги яширин ишсизликни бартараф этиш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 январдаги 25-сонли қарори билан тасдиқланган “Сирдарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар” дастурида ўз аксини топган.

(Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 9 декабрдаги 6-1/20-70-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши истиқболда худудларда қўшимча иш ўринларининг кўпайиши, ўзини-ўзи банд қилиш, турли хил салбий вазиятлардан ҳимояланиш, яширин ишсизлик кўламининг қисқаришига хизмат қилади;

уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигини оширишда аҳолининг ялпи даромадига уларнинг ёлланма меҳнат ва мустақил равишда олган даромадлари таъсирининг 2030 йилгача бўлган давр учун кўп вариантли прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш стратегиясининг 8-бандида (Қишлоқ худудларини ривожлантириш) ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 9 декабрдаги 6-1/20-70-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 3 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шужумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, илмий ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Уй хўжаликларини ривожлантиришнинг концептуал асослари”** деб номланган биринчи бобида уй хўжаликларининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ва роли тўғрисидаги назарий қарашлар ва такрор ишлаб чиқариш жараёнида уй хўжаликларининг фаолият йўналишлари ўрганилган, уй хўжаликларининг иқтисодий ҳодиса ҳамда жараёнларга бўлган таъсирини ўрганиш услублари тадқиқ этилган ва тегишли хулосалар қилинган.

Уй хўжаликларининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ва уларнинг моҳияти тўғрисидаги қарашлар асрлар давомида ўзгариб борди. Миллий ҳисоблар тизимида “Уй хўжалиги бир ёки бир-неча кишидан ташкил топган, уй-жой ва даромадларидан ўзаро ҳамжиҳатликда фойдаланадиган ва харажатларни биргаликда амалга оширадиган маълум инсонлар гуруҳини уй хўжалиги сифатида тан олиш учун етарли ҳисобланади”⁷ – деб, таъриф берилади. Бизнинг назаримизда, уй хўжаликларининг юқорида тилга олиб ўтилган жиҳатларида иқтисодий муносабатлар иштирокчиси бўлган уй хўжалиги фаолиятининг муҳим трансформацион ва репродуктив тавсифагагина эътибор қаратилган бироқ уларнинг ишлаб чиқариш жиҳатлари қайд этилмаган.

Фикримизча, уй хўжалиги мол – мулкдан биргаликда фойдаланиш, ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш, ўз ҳаётий фаолиятининг шарт-шароитларини ва унда инсон капиталини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини таъмин этиш учун бошқа иқтисодий субъектлар (фирмалар, давлат) билан мавжуд ресурсларни айирбошлаш юзасидан ўзаро алоқаларга киришувчи, кўп функционал, иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашган ва кенг оммалашган иқтисодий субъектдир деб баҳолаш мумкин. Анъанавий жамиятларда уй хўжаликларининг фаолияти ижтимоий меъёрлар ва қоидаларга боғлиқ бўлса, бозор иқтисодиётида–уларнинг фаолияти иқтисодий қонунлар ва ижтимоий – иқтисодий институтларнинг хатти –ҳаракатига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Иқтисодий субъект сифатида уй хўжаликлари меҳнат, молиявий, ахборот ва шу каби ресурсларга эгалик қилувчи индивидлар ўртасидаги алоқаларни акс эттиради. Мазкур ресурслар алоҳида индивидлар ва уй хўжаликлари томонидан энг аввало, ўзларининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашда фойдаланилиши билан бир қаторда, инсон капиталининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилишини таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг бошқа субъектлари ўртасида айирбошлаш объекти сифатида ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот ишида уй хўжаликларининг табиий такрор ишлаб чиқариш (репродуктив функция), фарзанд тарбиялаш ва уларни ижтимоий муҳитга мослаштириш (ижтимоийлаштириш функцияси), фаолият кўрсатаётган ишчи кучининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан такрор ишлаб чиқарилиши (оила боқиш, рекреацион функция), уй хўжалигининг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ва руҳий қўллаб–қувватлаш (патронаж) функциялари тадқиқ этилди. Таъкидлаб ўтилган функцияларнинг амалда тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шарт–шароитлар яратиш (ўзини – ўзи таъминлаш функцияси) кабиларни ўз ичига қамраб олувчи уй хўжаликларининг такрор ишлаб чиқариш функциясини ташкил этади. Уй хўжалигининг барча функциялари у ёки бу даражада такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

⁷ Национальные счета: практический вводный курс. Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк, 2006 г. — С.91.



1-расм. Уй хўжаликларининг такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ функциялари⁸

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликларининг жамғариш ва инвестицион функциялари алоҳида аҳамият касб этади. Уй хўжаликларининг жамғармалари иқтисодиётда инвестиция базасининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.⁹ Ўз навбатида аҳоли жамғармалари ҳақиқатда олинган даромад билан унинг ишлатилиши ўртасидаги фарқ натижасида шаклланади. Уй хўжаликларининг жамғармалари бир томондан уларнинг турмуш даражасини ифода этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири, бошқа томондан эса улар инвестициялаш жараёнларининг муҳим манбаи ҳисобланиб, мамлакат иқтисодий тараққиётида катта аҳамиятга эга.

Уй хўжаликлари пул маблағларидан фойдаланиш стратегияларига кўра, жамғармаларнинг қуйидаги кўринишлари билан фарқланади (2-расм):

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

⁹ Батракова А.Г. Сбережения домашних хозяйств: сущность, группировки и роль в современной экономике //Деньги и кредит. -2006. -№11. –с.66.



2-расм. Уй хўжалиги жамғармаларнинг кўринишлари¹⁰

Уй хўжаликлари кўпинча бўш пул маблағларидан фойдаланиш борасида аралаш стратегиядан фойдаланишни маъқул кўрадилар.

Тадқиқот ишида иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга уй хўжаликлари таъсирини ўрганиш услубияти ёритилган. Уй хўжаликлари фаолият натижасини методологик жиҳатдан ўрганишда бир қатор тамойилларга риоя этиш керак. Биринчидан, уй хўжаликлари фаолият натижасини ишлаб чиқариш ҳолатига боғлиқ ўрганиш, уларни ўзаро алоқадорликда бўлишини аниқлаш, иккинчидан, уй хўжаликлари фаолият натижасини иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар таъсирига учрашини тан олиш, учинчидан, уй хўжаликлари фаолият натижасини тақсимот муносабатлари якуни деб баҳолаш, тўртинчидан, уй хўжаликлари фаолият натижаси табақалашувини объектив воқеа деб қараш, уларнинг ҳаракатини кузатиш ва бешинчидан, натижадорлик маълум қонун-қоидаларга биноан юз беришини эътироф этишдир. Бу тамойиллар ҳам бозор тизимида хос бўлсада, бироқ турли даражада қўлланилади, шунингдек бу ерда бир қатор янги тамойилларни ҳам қўллашга зарурат туғилади.

Диссертациянинг “**Ўзбекистонда уй хўжаликлари секторининг иқтисодий фаоллик даражаси**” деб номланган иккинчи бобида Уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилган, уй хўжаликларининг ялпи даромад ҳамда харажатлари бўйича табақаланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, меҳнат бозорида уй хўжаликларининг иқтисодий фаолият йўналишлари ҳам тадқиқ этилган.

¹⁰ Муаллиф ишланмаси

Диссертацияда уй хўжалиklarининг иқтисодий фаоллигини оширишнинг устувор йўналишларидан бири бу оилавий тадбиркорликни ташкил этиш деб баҳоланган. Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти, биринчидан, оиланинг моддий ресурсларига, иккинчидан, унинг аъзоларининг тадбиркорлик қобилиятига танланган фаолият йўналишига, унинг объектига ҳамда демографик тавсифларига, оила аъзоларининг сонига, жинсига, ёши, соғлигининг ҳолатига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади”¹¹ деган тамойилни амалга ошириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.


Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида ПҚ-3777 сон Қарори¹² республикамиз уй хўжалиklarини иқтисодий фаоллиги даражасини оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий асосларини белгилаб берувчи муҳим меъёрий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Дастур доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун – энг кам иш ҳақининг 150 баробаригача, рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари учун – 1000 баробаригача ва тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини кредитлаш учун – 1000 баробардан ошиқроқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Диссертацияда уй хўжалиklarининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги боғлиқлик очиқ берилиб, даромадлар харажатларнинг харид фондини ҳосил қилиши асослаб берилган. Шу боис уй хўжалиги учун пул даромадини топиш, харид қурбини кафолатлаш шартдир. Уй хўжалиklarининг умумий даромадига пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар, шунингдек доимий асосда такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғида уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан ташкил топади. Ўзбекистонда 2019 йилда аҳолининг умумий даромадлари 344,7 трлн. сўмни ташкил қилди ва номинал ўсиш суръати 121,9 %ни ташкил этди. Таҳлилларга кўра, аҳолининг пул даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг меҳнат фаолиятидан ва трансфертлардан олинган даромади пасайиб бориш тенденциясига эга. Ёлланма ишчиларнинг меҳнат фаолиятидан олинган даромади тадқиқ этилаётган даврда 41,5%дан 27,1%гача, трансфертлардан олинган даромади 28,4%дан 25,3%гача пасайган. Бу даврда аксинча аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад улуши 25,8%дан 42,0% гача ўсган. Мамлакатимиздаги аҳоли даромадлари таркибининг таҳлили шуни

¹¹ Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 14 декабрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида ПҚ-3777 сонли қарори.

кўрсатадики, кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти ва мулкдан олинган даромадларнинг улуши ўсиб бормоқда. Тадқиқ этилган даврда аҳолининг умумий даромадлари таркибида уларнинг улуши 49,8%дан 2019 йилга келиб 59,5%га ўсди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолини умумий даромадларининг таркиби (фоизда)¹³

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда аҳоли даромадларининг ўсиши билан бир қаторда харажатлар таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши барқарорлашиб, нооziқ-овқат ва хизматларга қилинаётган харажатларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Уй хўжаликларининг ва унинг ижтимоий гуруҳлари ялпи харажатлари – бу турли хўжалик субъектларидан товарлар ва хизматларни сотиб олиш харажатлари, молия-кредит тизимида тўловлар, шахсий ёрдамчи хўжаликлар маҳсулотларини истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш, қўрилган зарар, қарзни қоплаш ва қимматли қоғозларни сотиб олиш харажатлари йиғиндисини ташкил этади.

Маълумки, 2020 йилда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган “Бизнес юритиш” рейтингига кўра Ўзбекистон Республикаси 190 та мамлакат ўртасида 69 - ўринни эгаллади. Шу ўринда келтириб ўтиш лозимки, Жаҳон банкининг маърузасида қайд этилишича “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” меъзони бўйича Ўзбекистон айна пайтда глобал рейтингда, корхоналарни рўйхатдан ўтказишда –8, қурилиш учун рухсатнома олишда–132, электр таъминотида уланишда–36, мулкни рўйхатдан ўтказишда –72, кредитлар олишда– 67, миноритар инвесторларни ҳимоя қилишда –37, солиққа тортишда – 69, халқаро савдода – 152, шартномалар ижросини таъминлашда – 22, қарздорликни баргараф этишда – 100 ўринларни эгаллаган¹⁴. Ўзбекистон

¹³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2005-2019 йиллар бўйича маълумоти асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилган.

¹⁴ Ўзбекистон поднялся в рейтинге «Ведение бизнеса 2020». <https://www.gazeta.uz/ru/2019/10/24/doing-business-2020/>

кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан ўрин олган.¹⁵

Уй хўжалиқларининг иқтисодий фаоллик кўрсткичи бўлган “Бизнес юритиш” (Doing business) рейтинг мамлакатларда бизнес муҳитининг энг ишончли мезонларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун мустақил равишда олинган даромадларга таъсир қилувчи омил сифатида “Бизнес юритиш” рейтингдаги бизнесни бошлаш (Starting a business) субрейтинги олинди (1-жадвал).

1-жадвал.

Аҳоли даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар¹⁶ ва бизнесни бошлаш субрейтинги¹⁷

Йиллар	Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад, млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.Сўм	Бизнесни бошлаш субрейтинги, балл	Йиллар	Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад, млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.Сўм	Бизнесни бошлаш субрейтинги, балл
2005	2509,9	3165,2	76,89	2013	25258,5	30490,1	84,89
2006	3109,2	4041,0	77,15	2014	32677,2	37646,2	90,45
2007	4066,3	5903,5	76,85	2015	42068,9	44810,4	90,47
2008	5609,2	9555,9	81,77	2016	54497,8	51232,0	93,91
2010	11911,2	16463,7	82,72	2017	64239,0	72155,2	93,93
2011	16586,5	19500,0	81,46	2018	105072,1	124231,3	95,54
2012	19987,1	24455,3	84,21	2019	144774,0	189924,3	96,2

Мустақил равишда олинган даромадларга таъсир қилувчи ушбу икки омилнинг таъсир қилиш механизми қуйидаги 4-расмда келтирилган.



4-расм. Муст ақил равишда олинган аҳоли даромадларига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир қилиш механизми¹⁸

¹⁵ Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ишбилармонлик муҳитини яхшилашнинг роли. <https://www.researchgate.net/publication/338005203>

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2005-2018 йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

¹⁷ Хейка Грамков. “Ведение бизнеса”, Обеспечение исполнения контрактов – Узбекистан и 5 стран – лидеров в 2019 году. Отчет Агентства США по международному развитию (USAID) –С.-5.

Шу муносабат билан уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичи бўлган мустақил равишда олинган даромадларга таъсир қилувчи муҳим омил сифатида “Бизнес юритиш” рейтингидаги бизнесни бошлаш субрейтинги олинди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва бизнесни бошлаш субрейтингининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларга таъсирини қуйидаги эконометрик моделда акс эттириш мумкин:

$$D_t = \beta_0 + \beta_1 I_t + \beta_2 B_t + \varepsilon^{19} \quad (1)$$

Бу ерда:

D_t - Ўзбекистонда аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромади.

I_t - Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар.

B_t - “Бизнесни юритиш” рейтинги таркибидаги “Бизнесни бошлаш” субрейтинги баллари.

β_0, β_1 ва β_2 регрессия тенгламаси параметрлари.

ε - регрессия тенгламасининг стохастик қисми.

2-жадвал.

Регрессия тенгламаси параметрларининг қийматлари²⁰

	Coef.	Std. err.	T	P> t	95 % Conf. Interval	
I_t	0,55	0,22	2,53	0,03	0,07	1,03
B_t	2,42	107,43	2,26	0,05	6,38	479,29
Cons.	-18449	7715,57	-2,39	0,04	-35430,86	-1467,17

2-жадвал натижаларига кўра олинган омиллар асосий капиталга инвестициялар ва бизнесни бошлаш субрейтинги бўйича баллар статистик жиҳатдан аҳамиятли ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадга ижобий таъсирга эга.

Қуйидаги 3-жадвалдаги натижалар шуни кўрсатябдики, модел умумий жиҳатдан олганда статистис жиҳатдан аҳамиятли, чунки F-статистиканинг P-қиймати жуда кичик сон (0.001). Бундан ташқари олинган икки омилдаги ўзгаришлар натижавий белгидаги ўзгаришларнинг 94%ни изоҳлаб бера олади. Буни детерминация коэффициенти 0.94 га тенглигидан билиб олиш мумкин.

3-жадвал.

Регрессия тенгламасининг мезонлар бўйича текшириш натижалари²¹

Source	SS	Df	MS	Number of obs.	=	14
Model	143206107,2	2	71603053,6	F(3,12)	=	98,9
Residual	7966191,3	11	724199,2	Prob>F	=	0.001

¹⁸ Муаллиф ишланмаси

¹⁹ Муаллиф ишланмаси

²⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида “STATA 14” дастурида ҳисоблаб чиқилган

²¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида “STATA 14” дастурида ҳисоблаб чиқилган

Total	151172298,5	13		R-squared	=	0.947
-------	-------------	----	--	-----------	---	-------

СТАТА-14 дастури ёрдамида Жарке-Бера тести бўйича X_i -квадрат статистика қийматларини ва 5% муҳимлик даражасида X_i -квадрат статистиканинг жадваладаги қийматларини ҳисобоблаймиз.

СТАТА-14 дастури ёрдамида Жарке-Бера тести бўйича X_i -квадрат статистика қийматларини ва 5% муҳимлик даражасида X_i -квадрат статистиканинг жадваладаги қийматларини ҳисобоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотларимизга кўра, СТАТА-14 дастури ёрдамида Жарке-Бера тести бўйича X_i - квадрат статистика қийматларини ва 5% муҳимлик даражасида X_i - квадрат статистиканинг жадваладаги қийматларини ҳисоблаганимизда қуйидаги натижага эга бўлдик:

$$D_t = -18449 + 0.55I_t + 2.42B_t \quad (2)$$

Яъни бунда, асосий капиталга инвестициялар ва бизнесни бошлаш субрейтинги бўйича баллар статистик жиҳатдан аҳамиятли ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадга ижобий таъсирга эга экан. Бошқа омиллар ўзгармаган шароитда асосий капиталга инвестицияларнинг бир бирликка ўзгариши аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олган даромадини 0,55 бирликка оширади. “Бизнесни бошлаш” субрейтингидаги бир балли ижобий ўзгариш эса мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадни 2,42 бирликка оширади. Ушбу таҳлиллар келажакда аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадини ошириш учун узлуксиз равишда бизнес муҳитини яхшилаш ва киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертацияда олиб борган тадқиқотларимизга кўра, Республикамизда хотин-қизлардан иборат меҳнат ресурслари таркиби таҳлилида уларда эркакларга нисбатан олий маълумотли бўлиш, инновацион соҳаларда, саноат тармоқларида ишлайдиган касбларни танлашда кескин фарқлар мавжудлигини кўрдик. Натижада бугунги кунда Республикамизда давлатнинг бошқарув органларида ва маҳаллий сайловларда аёллар иштироки 17,1%ни ташкил этиб хаттоки 35-40%лик “критик даража”га ҳам етмайди. Юқори маҳаллий ижро ҳокимияти органларида аёллар улуши ўта қониқарсиз 24%ни ташкил этади.²² Фикримизча, Республикамизда аёлларни “ҳали тўлиқ фойдаланилмаган” меҳнат ресурслари сифатида баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида Республикада уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини ошириш моделлари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган. Уй хўжаликлари сектори иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришда ижтимоий омиллар самарадорлигини ошириш лозимлиги очиб берилган, шунингдек, иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида уй хўжаликлари иқтисодий

²² “Аёллар ва эркаклар” йиллик статистик тўплам, 2019 йил. Б. 23.

фаоллигини ошириш йўналишлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллифнинг фикрича, уй хўжалиklarининг функционал жиҳатидан эгилувчанлиги уларнинг ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий муҳитда барқарор асосда мавжуд бўлишини белгилаб беради. Бу эса уларнинг ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашиш жараёнларини ифода этади. Маълум бир даромад даражасига ҳажми ва таркиби бўйича мос келувчи истеъмол саватини шакллантириш юқорида тилга олиб ўтилган механизмлардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот ишида уй хўжалиklари у ёки бу сабаблар туфайли меҳнатда банд бўлишдан олинаётган даромадлар етарлича бўлмаганида уй хўжалиklари ўз моддий шароитларини яхшилаш, ўзини – ўзи таъминлаш ва мураккаб иқтисодий вазиятда яшаш учун қўшимча имкониятларни излаб топишга бўлган фаол харакати очиб берилган. Бунда ишсизлик шароитида ўзини – ўзи банд қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида уй хўжалиklари функциясининг аҳамияти ошиб боради. Диссертацияда уй хўжалиги секторини ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш орқали меҳнат бозорида яширин ишсизликни бартараф этиш бўйича кўп каналли модель ишлаб чиқилган (5-расм).



5-расм. Уй хўжалиklarининг ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашиш моделлари²³

²³ Муаллиф ишланмаси

Диссертацияда давлат бюджетининг тақчиллиги шароитида ўзини-ўзи бинд қилиш орқали мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ошириш уй хўжалиklarининг иқтисодий фаоллигини оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида тадқиқ этилган. Уй меҳнатида фаолият олиб борувчи ходимлар гуруҳи иш билан бандлик тури бўйича фаркланади.

Уй меҳнатида банд бўлганларга меҳнат фаолиятининг турли шаклларидаги бандлар киради: шаҳарлик фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиklarини юритиши; қўшимча пул даромадини топиш ва хўжаликнинг ички эҳтиёжларини қондириш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, деҳқон (томорқа) хўжалиklarини юритиш; фермер хўжалиklари фаолиятини ташкил этиш; уй хўжалигининг ички эҳтиёжларини қишлоқ хўжалиги тавсифига эга бўлмаган якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш; ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ва қўшимча пул даромади олиш мақсадида кичик жамоалар таркибида қишлоқ хўжалиги тавсифига эга бўлмаган ишлаб чиқариш –тадбиркорлик фаолияти ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш (дала ҳовлилари, хўжалик бинолари ва шу қабилар қуриш); кичик бизнес корхоналари ва кичик жамоалар таркибида аҳолига индивидуал тартибда пуллик хизматлар кўрсатиш (турли таъмирлаш-қурилиш ишлари, таълим ва тиббиёт хизматлари); кичик бизнес корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш (ошхона, тамаддихона, кир ювиш ва кийимларни кимёвий тозалаш ва шу қабилар); якка тартибда майда чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш; бошқа ихтисослашган корхона ва ташкилотлар томонидан пуллик асосда кўрсатилиши мумкин бўлсада, уй хўжалиklари доирасида анъанавий тарзда бажарилиб келинувчи уй юмушлари ва ўзига ўзи хизмат кўрсатиш турлари шулар қаторига киради.

